

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ИЛМий-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

**МИРЗАЕВА МАЛИКА БАХАДИРОВНА**

**КУП ПОҒОНАЛИ ИЕРАРХИК АЛОҚА ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШДА  
ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МОДЕЛ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.02 –Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

<b>Мирзаева Малика Баҳадировна</b> Кўп поғонали иерархик алоқа тармоғини бошқаришда қарор қабул қилиш модел ва алгоритмлари.....	3
<b>Мирзаева Малика Баҳадировна</b> Модели и алгоритмы принятия решений в управлении многоуровневой иерархической сетью связи.....	21
<b>Mirzaeva Malika Bahadirovna</b> Models and algorithms of decision-making in management multilevel hierarchical communication network.....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

**МИРЗАЕВА МАЛИКА БАХАДИРОВНА**

**Кўп поғонали иерархик алоқа тармоғини бошқаришда  
қарор қабул қилиш модел ва алгоритмлари**

05.01.02 –Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3PhD/Г1800 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyonet" ахборот-таълим порталида (ziyonet.uz) жойлаштирилган.


<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Алимов Исманлджан</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Саидов Абдусобиржон Абдурахманович</b> техника фанлари доктори <b>Кабильджанов Александр Сабитович</b> техника фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат</b> <b>техника университети</b>


Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» \_\_\_\_\_ 06 соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).


Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( ~~108~~ - рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «14» \_\_\_\_\_ 06 да тарқатилди.  
(2021 йил «10» \_\_\_\_\_ 06 даги 17 рақамли реестр баённомаси.)



  
**Р.Х. Хамдамов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

  
**Ф.М. Нуралиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

  
**А.В. Кабулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (Phd) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда алоқа тармоқлари фаолиятини баҳолаш ва ишлаш самарадорлигини таъминлаш масаласига катта эътибор берилмоқда. Уларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш дастурини ҳал қилишга ёрдам берадиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда самарали бошқаришсиз ахборот тармоқларининг нормал ишлаши мумкин эмас. Биринчи навбатда, бу катта масофаларга тарқалган ҳаракатдаги объектларни бошқариш учун мўлжалланган тадқиқ қилинаётган кўп поғонали иерархик алоқа тармоғини ўз ичига олган коммутацияланадиган алоқа тармоқларига тааллуқлидир. Бу борада жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида, хусусан, АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Австралия, Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатларда мавжуд тармоқларнинг ишлаш самарадорлигини оширишни ва самарали бошқаришни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Амалиётда ҳар хил турдаги алоқа каналларининг сифатини дастлабки баҳолашни амалга ошириш жуда қийин ва ҳозирги вақтгача бундай тармоқларнинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш усуллари, моделлари ва алгоритмларни ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, кўп поғонали иерархик алоқа тармоғини бошқаришда қарор қабул қилиш модел ва алгоритмларини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда давлат дастурлари доирасида телекоммуникация тармоқларининг ишончлилигини ошириш, маҳаллий дастурий таъминот бозорини сифатли ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, хусусан, «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, иқтисодиётга, ижтимоий соҳага, бошқарув тизимларига ахборот технологияларини жорий этиш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳаларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 мартдаги 185-сон «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация хизматлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диссертацияда кўрилган муаммолар хорижий олимлардан G.Carello, R.Matera, M.Piyo, D.Medhi, M.Minoux, Г.П.Захаров, А.А.Амосов, В.В.Лохмотко, Н.Н.Мошак, Г.Г.Яновский, В.А.Богатырев, А.Е.Кучерявый, Г.П.Башарин, А.И.Пармонов, Ю.П.Зайченко, Л.Клейнрок, В.Г.Лазерев, С.И.Самойленко, В.А.Нетес ва бошқа олимларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Республикамизда эса бу муаммоларга Ж.А.Абдуллаев, М.Н.Арипов, А.А.Усманов, Т.А.Валиев, Б.Т.Кабулов ва бошқа олимларнинг илмий ишлари бағишланган. Хусусан профессор З.Т.Адилова тадқиқот ишларида алоқа тизимини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг кўп мезонли жараёнини алгоритмлашни таклиф этган, профессор Т.Н.Нишанбаевнинг олиб борган тадқиқотлари дастурий конфигурацияланадиган тармоқларнинг компонентлари орасида оқимларни бошқариш ва тақсимлаш жараёнларини баҳолашга бағишланган.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, таркибий (радио ва симли) трактга эга бўлган алоқа тармоқларининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш усуллари, ҳамда тезкор қарор қабул қилишга имкон берадиган умумлаштирилган самарадорлик мезонини ишлаб чиқиш масалалари етарли даражада тадқиқ қилинмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №БВ-М-Ф4-004 - «Бошқариш тизимлари назариясида алгоритмлаш принципларини ишлаб чиқиш» (2017-2020) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** эҳтимоллик-вақт характеристикаларига қатъий чекловлар хос бўлган кўп поғонали иерархик алоқа тармоғини бошқаришда қарор қабул қилиш модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

алоқа тармоғининг аналитик ва имитацион моделларини куриш;

хабарни (пакетларни) етказиб бериш вақтини баҳолашга имкон берадиган тармоқ элементларининг рад этишлари ва қайта тикланишларини ҳисобга олиш орқали тармоқдаги максимал оқимни куриш алгоритминини ишлаб чиқиш;

алоқа тармоғининг мақсадини ҳисобга олган ҳолда, унинг функционал ишончлилигини баҳолаш ечимини ишлаб чиқиш;

таркибий алоқа трактлари орқали узатиладиган хабарларнинг аслига тўғрилигини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигини умумлаштирилган мезон ёрдамида баҳолаш ва талаб қилинадиган ишлаш самарадорлигини таъминлаш услубини ишлаб чиқиш;

алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигини баҳолашда алоҳида модуллар кўринишида ташкил этилган умумлаштирилган мезонни ҳисоблашни ва алоқа тармоғининг ишлашини бошқариш жараёнини ўз ичига олган дастурлар мажмуасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** кўп поғонали иерархик алоқа тармоғи ёрдамида ҳаракатдаги тарқок объектларни бошқариш тизими қаралган.

**Тадқиқотнинг предмети** - кўп поғонали иерархик алоқа тармоқларининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш ва таъминлаш модели, алгоритмлари ва дастурий таъминоти тадқиқ қилинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида қўйилган муаммоларни ечишда эҳтимоллар назарияси аппарати, оммавий хизмат кўрсатиш назарияси, тасодифий жараёнлар назарияси, ахборот ва ишончлилиқ назарияси, шунингдек статистик моделлаштириш усуллари билан амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

- тармоқ узатиш маршрутлари бўйича юкломани бир текис тақсимлаш йўли орқали (вақт мезони бўйича) алоқа тармоғининг ўтказиш қобилиятидан максимал даражада фойдаланишга имкон берадиган имитацион модел қурилган;

- узатилаётган хабарлар оқимларини ҳисобга олувчи алоқа тармоғининг функционал ишончлилигини баҳолаш ечими таклиф қилинган;

- таркибий трактларга эга бўлган алоқа тармоқларида узатиладиган хабарларнинг аслига тўғрилигини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

- кўп поғонали иерархик алоқа тармоғининг жорий ҳолатини баҳолашни ишлаб чиқилган умумлаштирилган самарадорлик мезони асосида алоқа тармоғининг самарали ишлашини таъминлайдиган оптимал бошқариш таъсирларини танлаш услуби таклиф қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тармоқнинг ўтказиш қобилиятидан максимал даражада фойдаланиш ва хабарларнинг максимал кечикишини минималлаштиришга имкон берадиган, тармоқ элементларининг рад этишлар ва қайта тикланишларини ҳисобга оладиган алоқа тармоғида юкломани оптимал тақсимлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

таркибий (радио-симли) алоқа тракти бўйича узатиладиган хабарларнинг аслига тўғрилигини баҳолаш модели ишлаб чиқилган;

қаралаётган алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигини баҳолашга имкон берадиган имитацион-оптималлаштириш модели ишлаб чиқилган;

алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигини баҳолашда алоҳида модуллар кўринишида ташкил этилган умумлаштирилган мезонни ҳисоблашни ва алоқа тармоғининг ишлашини бошқариш жараёнини ўз ичига олган дастурлар мажмуаси ишлаб чиқилган;

тармоқни ишлаш самарадорлигининг зарур қийматини таъминлайдиган маълум муқобил бошқариш таъсирлари тўпламини топишдан иборат бўлган алоқа тармоғини самарали бошқариш услуги таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги алоқа тизимларида оқимларни тавсифлашнинг замонавий усулларида фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган математик моделнинг тўғрилиги, ўрганилаётган тизимнинг аналитик ва имитацион моделининг қиёсий таҳлили, шунингдек ишлаб чиқилган дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда тажрибалар натижалари билан тасдиқланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган кўп поғонали иерархик алоқа тармоғини бошқаришда қарор қабул қилиш модел ва алгоритмлари алоқа тармоқларини самарадорлигини баҳолаш ва бошқаришни назарий асосларини янада ривожлантиришга маълум бир ҳиссасини кўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тармоқларнинг эҳтимоллик-вақт хусусиятларини ҳисоблашда ва уларнинг самарадорлигини баҳолашда фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқилган усуллар ва алгоритмларни қўллаш алоқа тармоқларини моделлаштириш ҳамда оптимал бошқариш ҳаракатларини танлаш муаммоларини ҳар томонлама ҳал қилишга имкон беради. Диссертация ишида ишлаб чиқилган ва ўрганилган имитацион моделлари, истиқболли алоқа тармоғини бошқариш тизимининг рационал тузилишини асослашда фойдаланиш билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:**

кўп поғонали иерархик алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган моделлар, алгоритмлар ва дастурлар «Ўзбектелеком» АК «Узмобиайл» филиали фаолиятида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 26 январдаги 33-8/574 сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида олинган натижалар синов-конструкторлик ишларини бажаришда лойиҳалаш вақтини 20-30% фоизга қисқартиришга ва алоқа тармоғини бошқариш тизимларини рационал тузилмасини асослашга, ҳамда унинг ишлаш ишончлилигини 10-20% фоизга оширишга имкон берган.

турли алоқа каналлари бўйича узатиладиган хабарларнинг аслига тўғрилигини баҳолаш модели ва алоқа тармоғи элементларининг рад этишлари ва қайта тикланишлари оқимлари асосида ишлаб чиқилган алоқа тармоғига юкламани оптимал тақсимлаш алгоритми «ASR-CABLE» ОАЖ фаолиятида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 26 январдаги 33-8/574 сон маълумотномаси). Натижада таклиф этилган таркибий алоқа трактлари бўйича



узатиладиган хабарларнинг аслига тўғрилигини баҳолаш учун ретрансляциялашди алоқа линиясининг модели, алоқа ретрансляторларидан фойдаланиш ва энг яхши радиоузатиш йўналишини танлашнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини оптимал ечишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, шулардан, 2 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган ҳамда 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблилиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакиллантирилган, объект ва предмети тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар таракқиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Алоқа тармоқларини бошқариш ва унинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш» деб номланган биринчи бобида, мавжуд усуллар изоҳланган ва таклил қилинган, шунингдек муаммонинг долзарблиги, масаланинг қўйилиши ҳамда, қўйилган масалани мақсади ва уни ечиш йўллари ифодаланган.

Алоқа тармоқларининг ишлаш самарадорлиги мезонларини таҳлил қилиш ўтказилган ва фойдаланувчилар томонидан қаралаётган алоқа тармоғига қўйиладиган талаблар ҳисобга олиниши билан тармоқнинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш мезонларини танлаш асосланган. Алоқа тармоқларини бошқариш усулларининг таҳлили келтирилган ва иерархик алоқа тармоқларини ишлаш самарадорлигини анъанавий баҳолаш усулларининг камчиликлари аниқланган.

Катта масофаларда тақсимланган ҳаракатдаги объектларни бошқариш учун мўлжалланган кўп поғонали иерархик алоқа тармоғи кўриб чиқилган (1-расм).



1-расм. Кўп поғонали иерархик алоқа тармоғи

ХРМ - ҳаракатдаги радиомарказ;

ХО – ҳаракатдаги объект

СРМ - стационар радиомарказ;

КС - коммутациялаш маркази;

Р - ретранслятор;

БАХМ - бош ахборот-ҳисоблаш маркази (маълумотларни олувчи).

Алоқа тармоғининг вазифаси ҳаракатдаги алоқа объектларидан (абонентлардан) марказий тугунга хабарларни талаб қилинадиган ишончлилик ва берилган аслига тўғрилиқда, ўз вақтида етказиш ҳисобланади. Тармоққа тушадиган хабарлар оқими ва ҳалақитларнинг характеристикалари ўзгариши мумкинлиги сабабли, алоқа тармоғининг муваффақиятли ишлаши учун уни талаб қилинадиган самарадорлик даражасини таъминлаш мақсадида бошқаришни амалга ошириш керак.

Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

1. Тармоқнинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш;
2. Тармоқнинг талаб қилинадиган ишлаш даражасини таъминлаш.

Биринчи масалани ечиш қуйидагиларни кўзда тутати:

- алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигининг энг маълумотли (информатив)  $\{R_j\}$  хусусий мезонларини танлаш;
- мезонларни ( $\{R_j\}$  параметрларни) ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш;
- алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигини  $R_{\text{умум}} = f(R_j)$  баҳолашни умумлаштирилган мезонини конструкциялаш.

$R_{\text{умум}}$  қиймат - бошқариш таъсирларини танлаш учун ишлатилади.

Иккинчи масалани ечиш учун тармоқнинг талаб қилинадиган ишлаш даражасини, яъни

$$R_j \rightarrow R^*, j = 1, 2, \dots$$

таъминлашга имкон берадиган маълум  $\omega_i$  бошқариш таъсирларини ишлаб чиқиш учун  $W_0$  рухсат этилган таъсирлар тўпламидан бўлиши мумкин бўлган кичик таъсирлар тўпламини ( $\{w_j\} \subset W_0$ ) танлашдан иборат.

Энг яхши бошқариш таъсири  $\{R_j\}$  расмийлаштирилган мезонлар асосида эксперт томонидан ҳисобга олган ҳолда танланади.

Диссертациянинг «Алоқа тармоғининг ишлашини бошқариш самарадорлигини баҳолашни аналитик усуллари» деб номланган иккинчи бобида, қаралаётган алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигини танланган мезонлар – етказиб бериш вақти, функционал ишончлилиги ва аслига тўғрилиги бўйича баҳолашнинг аналитик моделлари ишлаб чиқилган.

Қаралаётган тармоқ учун хабарларни етказиб бериш вақтига қатъий чеклашларнинг бўлиши ўзига хос. Агар алоқа тармоғининг ишлаши

$$\sum_{i=1}^n P_i \rightarrow \min,$$

бўлса, самарали бўлади, бу ерда  $P_i$  –  $i$  – нчи хабарни ўз вақтида етказилмаслиги туфайли йўқотишлар.

Хабарларни ўз вақтида етказилмаслигига боғлиқ бўлган йўқотишларни минималлаштириш учун алоқа тармоғидаги ўртача кечикишни минимумга келтириш йўли орқали алоқа тармоғининг ўтказиш қобилиятидан максимал фойдаланиш керак. Лекин етказиб бериш вақтига қатъий талаблар бўлганда, бундай фикр унчалик тўғри ҳисобланмайди. Бу шунга боғлиқки, ўртача кечикиш минимуми маъносида тармоқ бўйича юкланишнинг самарали (оптимал) тақсимланишида хабарларни чекланган етказиб бериш вақтидан ортадиган маълумотларни узатиш маршрутлари бўлиши мумкин, бу эса қаралаётган тармоқ учун мумкин эмас, чунки йўқотишларни ортишига олиб келади. Шунинг учун алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигини ошириш қуйидаги мезон бўйича баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

$$\max_{\gamma_j} \{T_{\text{еб}}^j\} \rightarrow \min$$

бу ерда  $T_{\text{еб}}^j$  – тармоқнинг  $j$ -нчи маршрути бўйича ўртача етказиб бериш вақти;  $\gamma_j \in U$ ,  $U$  – алоқа тармоғидаги маршрутлар тўплами.

Бунда бу шартга эришиш учун қуйидагича бўлиши зарур:

$$\forall \gamma_i, \forall \gamma_j \Rightarrow ((\gamma_i \in U \& \gamma_j \in U) \supset (T_{\text{еб}}^i \approx T_{\text{еб}}^j))$$

яъни исталган иккита  $(\gamma_i, \gamma_j)$  маршрутлар учун уларда хабарларнинг бўлиши (етказилиши) вақтини тенглигини (маълум аниқликда) таъминлаш керак. Бошқача айтганда, маршрутларни озми-кўпми бир текис юкланишига эришиш учун тармоқдаги кириш оқимини қайта тақсимлаш зарур.

Шундай қилиб, етказиб бериш вақтини баҳолаш усули максимал ( $\tau$ -оптимал) оқим масаласини ечишга келтирилади. Агар берилган кириш оқимининг  $\lambda_{\text{кир}}$  интенсивлигида

$$\left. \begin{array}{l} T_{eб}^j \leq \tau_{eб} \\ \gamma_j \in U \\ \tau_{eб} \rightarrow \min \end{array} \right\}$$

шарт бажарилса, оқим  $\tau$ -оптимал оқим дейилади. Бу ерда  $\tau_{eб}$  – максимал рухсат берилган етказиб бериш вақти.

$\tau$ -оптимал оқимни куриш учун мос алгоритм ишлаб чиқилган.

$\tau$ -оптимал оқимни куриш алгоритмининг моҳияти

$$\max T_{eб}^j \rightarrow \min.$$

шарт бажариладиган алоқа тармоғининг маршрутлари бўйича кириш оқимининг тақсимланишидан иборат.

Қаралаётган алоқа тармоғида жўнатувчидан олувчига хабарларни етказиб берувчи барча маршрутлар олдиндан ажратилади. Алгоритмнинг биринчи қадамида тармоқнинг барча маршрутлари учун юкланиш бир хил бўлади:

$$\lambda_j = \frac{\lambda_{кир}}{S}$$

бу ерда  $S$  – маршрутлар сони.

Кейин  $\{T_{eб}^j\}$  қийматни, яъни хабарларни барча маршрутларда бўлиши ўртача вақти ҳисобланади ва улардан максимал ва минимал юкланган маршрутлар ажратилади:

$$\left\{ \begin{array}{l} \max_{\gamma_j} \{T_{eб}^j\} = T_{eб}^q \\ \min_{\gamma_j} \{T_{eб}^j\} = T_{eб}^r \end{array} \right.$$

ва маршрутлар бўйича маълумотларни тақсимланиши режасини тузатиш амалга оширилади, у  $\lambda_q$  ва  $\lambda_r$  қийматларни қуйидаги формулалар бўйича ўзгартиришдан иборат:

$$\left. \begin{array}{l} \lambda_q' = \lambda_q - \Delta\lambda \\ \lambda_r' = \lambda_r + \Delta\lambda \end{array} \right\}$$

бу ерда  $\Delta\lambda$  – оқимни тузатиш порцияси.

Тузатувчи порциянинг қиймати энг қисқа ва энг узун (вақт маъносида) маршрутларда бўлиш вақтига ва улардаги оқимларнинг интенсивликларига боғлиқ:

$$\Delta\lambda = \min \left\{ \theta \lambda_{\text{ўр}}, \min \frac{\mu_i C_i \left( 1 - \sum_{k=1}^n \rho_k \right) - \lambda_i}{2} \right\}$$

бу ерда  $\theta$  -  $T^q$  ва  $T^r$  нисбий оғишнинг ўртача қиймати.

$$\theta = \frac{T^q - T^r}{T^q + T^r}, \quad \lambda_{\text{ўр}} = \frac{\lambda^q + \lambda^r}{2}$$

Тузатишни қуйидаги шарт бажарилмагунча амалга ошириш зарур:

$$\theta \leq \varepsilon_1, \quad (\varepsilon_1 \leq 0,05)$$

бу ерда  $\varepsilon_1$  - етказиб бериш вақти бўйича тармоқни бир хил юкланиши даражасига чеклаш, у фойдаланувчи томонидан йўқотишларни таҳлил қилиш асосида берилади. Алгоритмга маршрутларда оқимларни рационал қайта таксимлаш йўли билан ҳисоблаш вақтини камайтирадиган жараёнлар киритилган.

Ўтказилган экспериментлар натижасида  $T_{max}^i = f(\lambda_{куп})$  боғлиқлик графиги қурилган бўлиб, у ҳар бир алоҳида вазиятда тезкор, қўшимча ҳисоблашларсиз хабарларнинг максимал кечикишини тушадиган оқимнинг интенсивлигига боғлиқлигини аниқлашга имкон беради.

Ҳозирги вақтда маълумотларни узатиш тармоқларининг ишончилигини ҳисоблаш усуллари бағишланган етарлича кўп сонли ишлар мавжуд. Бу усуллардан кўпчилиги тузилмавий боғланганлик характеристикаларининг аниқ қийматларини ҳисоблашга мўлжалланган. Бунда тармоққа тушадиган юклама кўриб чиқилмайди, бу баҳолашнинг аҳамиятини пасайтиради. Бу шунга боғлиқки, рад этиш деганда кенг маънода кечикишларнинг рухсат этиладиган қийматлардан ортиб кетишини тушуниш керак бўлади. Бу ҳолда қуйидагига эга бўламиз:

$$H_{\text{рад этиш}} = P\left(\max_U \{T_{eб}^j\} \leq \tau_{eб}\right)$$

Замонавий алоқа тармоқларида “тирбандликларни” олдини олиш учун кириш оқимларини бошқариш амалга оширилади. Самарали бошқариш алгоритмларида

$$\forall U_{eб} (T_{eб}^j \leq \tau_{eб})$$

шарт бузилмайди. Демак, кутилмаган ташқи таъсирлар бўлмаганда алоқа тармоғини тўлиқ рад этиши рўй бермайди. Фақат алоқа тармоғининг умумий ишлаш самарадорлиги пасайишида қисман рад этиш ўз ўрнига эга бўлиши мумкин, шунга мувофиқ алоқа тармоғининг ишлаш ишончилигини қуйидаги кўрсаткич бўйича баҳолаш таклиф этилади:

$$H = \frac{\lambda_{max}}{\lambda_{max}^0}$$


бу ерда  $\lambda_{max}$  – алоқа тармоғи элементларининг рад этишлари ва узилишларини ҳисобга оладиган алоқа тармоғидаги максимал оқимнинг интенсивлиги;

$\lambda_{max}^0$  – алоқа тармоғи элементларининг рад этишларини ҳисобга олмайдиган алоқа тармоғидаги (яъни абсолют ишончли элементларга эга бўлган алоқа тармоғидаги) максимал оқимнинг интенсивлиги.

Диссертация ишида реал ишончиликка эга бўлган каналда хабарларнинг ўртача кечикишини ҳисоблаш усули таклиф этилган, унинг ёрдамида тармоқ элементларининг рад этишлари ва қайта тикланишлари оқими ҳисобга олиниши билан тармоқ маршрутлари бўйича хабарларни етказилиши вақтини аниқлаш мумкин. Кейин  $\tau$  оптимал оқимни қуриш алгоритмидан фойдаланиш билан берилган чеклашларда  $\lambda_{max}$  қийматни аниқлаш мумкин.

Шундай қилиб, таклиф этилган кўрсаткич нафақат алоқа тармоғи элементларининг рад этмасдан ишлаш параметрларини, балки тармоқ бўйича

маълумотларни тақсимланиши ва ўтишини ҳисобга олади. Таркибий алоқа каналлари бўйича узатиладиган хабарларнинг аслига тўғрилигини баҳолаш учун ретрансляциялашли симли ва радиоканаллар комбинациясидан ташкил топган тармоқ модели таклиф этилади (2- расм).



2-расм. Симли ва радиоканаллар комбинациясидан ташкил топган тармоқ модели

Моделда қуйидаги бегилашлар қабул қилинган:

$Y_M$  - радиоманба тугуни;  $Y_P$  - радиоретранслятор тугуни;

$Y_{KY}$  - радиомаълумотларни қабул қилиш ва уларни симли каналга (тармоққа) узатиш тугуни;

$d_0$  - радиолиниянинг ретрансляторсиз  $Y_{KY} - Y_M$  узунлиги;

$d_1$  ва  $d_2$  -  $Y_M, Y_P$  ва  $Y_P, Y_{KY}$  радиолинияларнинг узунлиги;

$\varphi_1$  ва  $\varphi_2$  -  $Y_P$  ва  $Y_{KY}$  қабул қилгичлар киришига таъсир этадиган халақитларнинг ўртача квадратик қиймати;

$E_1$  ва  $E_2$  -  $Y_P$  ва  $Y_{KY}$  қабул қилгичлар киришидаги сигналлар амплитудалари;

$E_K$  ва  $E_P$  -  $Y_P$  ва  $Y_M$  радиоузаткичлари ҳосил қиладиган сигналлар амплитудалари;

$P_1$  ва  $P_2$  -  $Y_{KY} - Y_P$  ва  $Y_P - Y_M$  радиолиниялардаги хатоликлар эҳтимоллиги;

$P_c$  - симли алоқа линиясидаги (тармоғидаги) хатоликлар эҳтимоллиги;

$P_0$  - ретранслятор  $Y_M - Y_{KY}$  радиолиниядаги хатоликлар эҳтимоллиги.

Таклиф этилган моделда натижавий хатоликлар эҳтимоллиги қуйидагича бўлади:

$$P_{\text{умумий}} = P_1 + P_2 + P_c + P_1 P_2 P_c - P_1 P_2 - P_1 P_c - P_2 P_c$$

ёки

$$P_{\text{умумий}} = P_p + P_c - P_p P_c,$$

бу ерда  $P_p$  - радиотрансляцион линиядаги хатоликлар эҳтимоллиги.

Диссертация ишида алоқа қисқа тўлқинли диапазонда ва импульсли характердаги халақитлар таъсирида амалга оширилиши ҳисобга олиниши билан радиоретрансляцион алоқа линиясининг хатоликлари эҳтимоллигини ҳисоблаш усули таклиф этилган.

Алоқанинг сифатига (узатишнинг аслига тўғрилигига) радио-тўлқинларнинг тарқалиш шартлари, ионосферанинг ҳолати, диапазоннинг бандлик зичлиги ва энг катта даражада маълумотларни қабул қилиш

нуктасидаги халакитли ҳолат каби омиллар сезиларли таъсир этадиган қисқа тўлқин диапазонли радиотармоқни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олганда таркибий алоқа линиясининг ишлаш самарадорлигини аслига тўғрилиқ мезони бўйича баҳолаш нообъектив бўлиши мумкин. Масалан, моделда берилган алоқа линиясининг ўртачалаштирилган параметрларида назарий жиҳатдан, ретрансляциялашли радиолиниядаги, яъни  $U_m - U_p - U_{кy}$  линиядаги хатоликлар эҳтимоллиги  $U_m - U_{кy}$  тўғридан-тўғри линиядаги хатоликлар эҳтимоллигидан кичик бўлиши керак.

Лекин  $\varphi_1 \gg \varphi_2$  бўлганда кўрсатилган қонуният бажарилмайди ва бундай ҳолда умуман алоқа тармоғининг самарадорлигини баҳолашда хато хулосаларга келиш мумкин. Шу сабабли бундай хатонинг бўлмаслиги учун ретрансляциялашда хабарларни қабул қилиш нукталарида (тугунларида) сигнал/халакит нисбатидаги ютуқлар имкониятларини аниқлаш бўйича дастлабки ҳисоблашларни амалга ошириш зарур. Диссертация ишида бу масалани ечиш усули келтирилган бўлиб, унинг ёрдамида энг мақбул радиоузатиш йўналишларини аниқлаш мумкин.

Диссертациянинг «Имитацион моделлаштириш усуллари ёрдамида алоқа тармоғининг ишлашини бошқариш самарадорлигини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида, қаралаётган алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигини хусусий мезонлар – максимал кечикиш, функционал ишончлилик ва аслига тўғрилиги бўйича баҳолаш учун ишлаб чиқилган, тадқиқ қилинадиган алоқа тармоғи имитацион моделларининг тавсифи келтирилган. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб ва тадқиқ қилинадиган алоқа тармоғининг тузилиши симметриклиги туфайли (1-расм) ундан куйи тармоқни ажратиб олинган. Қолган куйи тармоқларни моделлаштириш транзит тугунларни оддий рақамлаш орқали амалга оширилади. Агар ХРМ хабарларни узатувчи тугуннинг рақами мос хабарнинг паспортига киритилса, у ҳолда бу рақамга боғлиқ равишда мос транзит тугунининг рақамини ёки унга мос навбатнинг рақамини танлаш мумкин. Бу умуман бутун тармоқнинг ишлаш манзарасини олишга имкон беради. Бундай ёндашиш моделни сезиларли соддалаштиришга ва ЭХМ ресурсларини тежашга имкон беради. Транзит тугунлар учун оммавий хизмат кўрсатиш тизими сифатида реал ишончлилик ва чекланмаган кутиш навбатига эга бўлган тизим қабул қилинган. Узилган хабарга узилиш моментидан бошлаб хизмат кўрсатилади. Хизмат кўрсатиш вақти  $\mu_j (j = \overline{1, M} - \text{тугун рақами})$  параметрига эга бўлган экспоненциал тақсимот қонунига бўйсунди.


Қаралаётган тармоқдаги максимал кечикишни баҳолаш учун имитацион моделга тармоқ маршрутлари бўйича юклама тақсимоти режасини тузатиш алгоритми киритилган. Тузатиш алгоритмининг моҳияти куйидагича. Олинган статистика (ҳар бир маршрут бўйича еткази бериш вақтининг  $\{T_{eб}^i\}$  қийматлари) асосида алгоритм маршрутларни танлаш эҳтимолликларини тўғирлайди, яъни

$$\max_{\gamma_j \in U} \{T_{eб}^j\} \rightarrow \min$$

шартга эришиш мақсадида кириш оқимини қайта тақсимланишини амалга оширади. Бунда оқим энг юқори кечикишга эга бўлган маршрутдан энг паст кечикишга эга бўлган маршрутга қайта тақсимланади:

$$\begin{cases} P_{max}^j - \Delta, (P_{max}^j - \Delta \geq 0) \\ P_{min}^j + \Delta, (P_{min}^j + \Delta \leq 1) \end{cases}'$$

$\Delta$  тузатиш қадами сифатида минимал кечикишга эга бўлган маршрутни танлаш эҳтимоли қиймати га тенг қиймат танланди. Бу юклама тақсимоти режасидаги кескин ўзгаришларнинг олдини олишга ва бу билан жараёни мослигини яхшилашга имкон беради. Статистик маълумотларни тўплаш мақсадида 250 та хабарларни модель бўйича ўтказилди. Тажрибалар асосида исботланганки, бу моделда барқарор стационар режим ўрнатилиши учун зарур бўладиган минимал хабарлар сони ҳисобланади. Агар олдинги самарали синовлар кетма-кетлигига қараганда максимал кечикиш қиймати камайган бўлса, синовлар кетма-кетлиги самарали ҳисобланади. Самарасиз кетма-кетлик бўлганда алгоритм тузатиш порциясини бўлинишини кўзда тутди. Бунда маршрутлар бўйича  $\Delta\lambda$  тузатувчи оқим порциясининг камайиши содир бўлади. Кейин тузатилган эҳтимолликлар билан янги синовлар кетма-кетлиги амалга оширилади. Ўтказилган тажрибалар натижасида қаралаётган тармоқ маршрутлари бўйича хабарларни максимал етказиб бериш вақтини кириш оқимининг (устуворликсиз ва кўп устуворликли оқимлар учун) параметрлари қийматларига боғлиқлиги графиги қурилган ва берилган чеклашларда алоқа тармоғи ўтказиш қобилиятининг юқори чегараси аниқланган. Тадқиқ қилинаётган тармоқнинг маршрутлари бўйича етказиб бериш вақти  $\{T_{e6}^j\}$  гистограммаси келтирилган (3-расм).



**3– расм. Хабарларни етказиб бериш вақтини маршрутлар бўйича тақсимот гистограммаси**

Яшил ранг билан итерациянинг биринчи қадамидаги, кизил билан итерациянинг охириги қадамидаги етказиб бериш вақтининг тақсимоти қийматлари белгиланган. Ишлаб чиқилган имитацион моделнинг мослигини текширишни аналитик ва имитацион моделлаштиришда олинган натижаларни таққослаш йўли билан амалга ошириш мумкин. Агар иккита турли усуллар



тахминан бир натижаларни берса, бинобарин, уларнинг фарқланиши даражаси дастлабки маълумотларни ўлчаш хатоликларига тенг бўлса, у ҳолда улар моделлаштирилаётган тизимга етарли даражада мос деб ҳисобланади. Шундай қилиб, таклиф этилган моделнинг мослигини текширишни ишлаб чиқилган аналитик усулдан фойдаланиш билан амалга ошириш мумкин.

Қаралаётган алоқа тармоғининг ишончлилигини баҳолаш учун юқорида тавсифланган имитацион моделга тармоқнинг рад этишлари ва қайта тикланишларини ҳисобга оладиган канал модели киритилган. Транзит алоқа тугунларида жамланган техник воситаларнинг ишончлилиқ характеристикаларини етарлича юқори ҳисобланган, шунинг учун тугунларнинг рад этишлари ҳисобга олинмайди. Ўтказилган тажрибалар натижасида қаралаётган алоқа тармоғи учун тармоқ элементларининг рад этишлари ва қайта тикланишлари ҳисобга олинганда максимал кечикишни тушадиган оқим интенсивлигининг қийматига боғлиқлиги графиги қурилган.

Алоқа тармоғининг ишончлилигини баҳолаш учун мўлжалланган имитацион моделнинг мослигини текширишни олдинги бобда тавсифланган аналитик усул ёрдамида ўтказиш мумкин. Тадқиқ қилинадиган алоқа тармоғида узатишнинг аслига тўғрилгини баҳолаш учун узатиладиган хабарлардаги хатоликларни (бузилишларни) тақсимланиши жараёнининг қуйидаги имитациялаш модели таклиф этилади. Фараз қилинадики, халақитларнинг таъсир этиши давомийлиги элементар жўнатманинг давомийлигини қоплайди, бу қаралаётган ҳолдаги каби алоқа каналлари бўйича етарлича катта узатиш тезликларида бўлиши мумкин.

Бу моделга мувофиқ,  $i$  –нчи хабарни  $j$ -нчи канал бўйича  $t_{yvj}^i$  узатиш вақти  $t_{yvj}^i = \frac{L_i}{V_j}$  давомида тенг  $\Delta t$  вақт оралиқларида (элементар жўнатмани узатиш вақти) халақитлар амплитудасининг мос қиймати унинг берилган тақсимот қонунига ( $P(U_y > U)$ ) боғлиқ равишда “олиш” амалга оширилади, бу ерда  $L_i$  -  $i$ -чи хабарнинг узунлиги;  $V_j$  -  $j$ -нчи канал бўйича узатиш тезлиги. Бошқача айтганда, узатиладиган сигналнинг (хабарнинг) ҳар бир элементар жўнатмасига таъсир қиладиган халақитлар даражалари аниқланади.

Шундай қилиб,  $U_y^i > U_{рух}$  шартга эришилганда хабарлар символни ва халақитлар ишорасини ихтиерий танлаб олиш билан узатиладиган хабардаги хатоликларни (бузилган жўнатмани) қайд этиш мумкин. Масалан, агар 1 символини узатишда манфий ишорага эга бўлган халақитлар амплитудаси рухсат этиладиган даражадан ошиб кетган бўлса, у ҳолда жўнатма бузилади; агар 1 символини узатишда халақитлар мусбат ишорага эга бўлса, у ҳолда жўнатма тўғри қабул қилинган ҳисобланади. Ва ниҳоят, бузилган элементар жўнатмаларнинг сони ва ишлатиладиган кодни тузатиш қобилятига боғлиқ равишда алоқа канали бўйича қабул қилинган хабарнинг хатолиги аниқланади. Бунда тадқиқ қилинаётган алоқа тармоғининг узатиш аслига тўғрилигини хабарларни бузилишлари частотаси орқали баҳолаш мумкин:

$$P_{буз} = \frac{a}{A}$$

бу ерда  $a$  - бузилган (хатоликли) хабарлар сони;

$A$  - узатилган хабарларнинг умумий сони.

Импульсли халакитлар амплитудаларининг гиперболик тақсимооти параметрининг турли қийматлари билан ўтказилган тажрибалар натижасида қаралаётган алоқа тармоғи каналлари бўйича хатоликлар тақсимооти гистограммаси олинган. Ишлаб чиқилган моделнинг мослигини текшириш уни алоқа каналарининг ўзгармас характеристикаларида аналитик модель билан таққослаш йўли билан амалга оширилган.

Диссертациянинг «Алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш усули ва бошқариш услуби» деб номланган тўртинчи бобда, қаралаётган алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги кўринишдаги умумлаштирилган мезон таклиф этилади:

$$R_{\text{умум}} = \begin{cases} R_1^{c_1} * R_2^{c_2} * R_3^{c_3}, \text{ агар } \forall_j (R_j \geq 1) \text{ бўлса,} \\ \min\{R_1^{c_1}, R_2^{c_2}, R_3^{c_3}\}, \text{ агар } \exists_j (R_j < 1) \text{ бўлса} \end{cases}$$
$$R_1 = \frac{T_{\text{еб}}^*}{T_{\text{еб}}}; \quad R_2 = H/H^*; \quad R_3 = 1 - \frac{|P_{\text{хато}}^* - P_{\text{хато}}|}{P_{\text{хато}}^* + P_{\text{хато}}}.$$

бу ерда  $T_{\text{еб}}$ ,  $T_{\text{еб}}^*$  - алоқа тармоғи бўйича мос равишда хабарларни етказиб бериш вақтларининг ҳисобланган ва талаб қилинадиган қийматлари;  $H$ ,  $H^*$  - алоқа тармоғининг мос равишда ҳисобланган ва талаб қилинадиган ишончлилиги кўрсаткичлари;  $P_{\text{хато}}$ ,  $P_{\text{хато}}^*$  - алоқа тармоғи бўйича мос равишда хабарларни етказишда ҳисобланган ва талаб қилинадиган хатоликлар эҳтимолликлари.

$R_1$  қиймат ҳар қандай қийматни қабул қилиши мумкин.  $R_2$  қиймат эса бирдан катта бўлмайди, чунки функционал ишонччилик кўрсаткичи максимал бўлиши мумкин юкламага мўлжалланган.  $R_3$  учун ифода бирдан катта бўлмайдиган тарзда шундай танланганки, яъни ҳам  $P_{\text{хато}} < P_{\text{хато}}^*$ , ҳам  $P_{\text{хато}} > P_{\text{хато}}^*$  қийматлари самарасиз ҳисобланади. Бу  $P_{\text{хато}} < P_{\text{хато}}^*$  бўлганда коднинг ортиқчалиги билан ёки сигнал ортиқча қувват билан узатилишини амалга оширилади. Бу бобда алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигини умумлаштирилган мезон бўйича баҳолаш усули ишлаб чиқилган, шунингдек алоҳида модуллар кўринишида ташкил этилган танланган параметрлар бўйича баҳолаш модели ва умумлаштирилган кўрсаткични ҳисоблаш дастурини ўз ичига олган дастурлар мажмуаси таклиф этилган.

Диссертация ишида самарали бошқариш услуби ва бу услубни амалга оширадиган жараён таклиф этилган. Алоқа тармоғининг ишлашини бошқариш учун тавсифланган усубини амалга оширадиган жараён схемаси (4-расм)да келтирилган. Бу ерда таъкидлаш керакки, алоқа тармоғининг ишлашини бошқариш бўйича якуний ечимни қабул қилиш нафақат алоқа тармоғининг ҳолатини умумлаштирилган баҳолаш қийматини билишга, балки бошқариш объекти ҳақида юзага келган вазиятнинг ўзига хослиги ҳақида маълум қўшимча маълумотларни ҳисобга олишга асосланади. Шунинг учун алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигини умумлаштирилган баҳосини бошқарув бўйича қарор қабул қилишда якуний мезон билан тенглаштириш мумкин эмас, чунки бу баҳо қабул қилинадиган қарорни фақат миқдорий жиҳатдан тайёрлайди ва асослайди.



**4-расм Алоқа тармоғининг ишлашини ва бошқарувини баҳолаш дастурлари мажмуасининг блок-схемаси**

Таъкидланганларга мувофиқ, ишлаб чиқилган услуб ҳар бири алоқа тармоғининг зарур ишлаш самарадорлиги қийматини таъминлайдиган маълум муқобил бошқариш таъсирлари тўпламини (ишлаб чиқилган дастурлар комплексидан фойдаланиш билан) топишдан иборат. Бу тенг аҳамиятли бошқариш таъсирларидан энг яхшисини танлаш (умумлаштирилган мезон бўйича) эксперт томонидан амалга оширилади. Кўп устуворликли хабарлар оқимида бошқариш таъсирларини танлаш юқори устуворликли оқимдан бошлаб ҳар бир устуворликли оқимлар учун алоҳида амалга оширилади. Шундай қилиб, фақат инсон-машина бошқариш тизимини яратиш натижасида мураккаб техник тизим бўлган алоқа тармоғининг самарали ишлашига эришиш мумкин.

## ХУЛОСА

“Кўп поғонали иерархик алоқа тармоғини бошқаришда қарор қабул қилиш модел ва алгоритмлари” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. Тармоқнинг ўтказиш қобилиятидан максимал даражада фойдаланиш ва хабарларнинг максимал кечикишини минималлаштиришга имкон берадиган, тармоқ элементларининг рад этишлари ва қайта тикланишларини ҳисобга оладиган алоқа тармоғига юкламани оптимал тақсимлаш алгоритми ишлаб чиқилган.

2. Тармоқ элементларининг ишдан чиқиши ва қайта тикланишларини ҳамда, бошқарув усуллари ва узатилаётган хабарлар оқимларини ҳисобга олувчи алоқа тармоғининг функционал ишончилиги кўрсаткичи таклиф этилган. Натижада ҳисобланган характеристикалар тузилмавий ишончилик кўрсаткичига қараганда информативроқ бўлиб, ривожланган ва мавжуд алоқа тармоқларининг функционал мақсадга мувофиқлик даражасини аниқлаш имконини беради.

3. Таркибий (радио) алоқа тракти бўйича узатиладиган хабарларнинг аслига тўғрилигини баҳолаш модели ишлаб чиқилган. Бунда алоқа ретрансляторларидан фойдаланиш ва радиоузатишнинг энг муқобил йўналишини танлаш мақсадга мувофиқлиги масаласи ечилган.

4. Қаралаётган алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигини қиммат турадиган реал тажрибаларни ўтказмасдан - етказиб бериш вақти, ишончилиги ва аслига тўғрилиги мезонлари бўйича баҳолаш учун имитацион моделлар ишлаб чиқилган.

5. Ҳар хил турлардаги каналларга эга бўлган қаралаётган кўп поғонали иерархик алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигини баҳолашни умумлаштирилган мезони таклиф этилган бўлиб, у тармоқнинг унга қўйилган талабларга мувофиқлиги даражасини акс эттиради.

6. Ишлаб чиқилган имитацион моделлардан фойдаланиш билан ҳар бири тармоқни ишлаш самарадорлигининг зарур қийматини таъминлайдиган маълум муқобил бошқариш таъсирлари тўпламини топишдан иборат бўлган алоқа тармоғини самарали бошқариш услуги таклиф этилган. Бу ўзаро тенг бошқариш таъсирларидан энг яхшисини танлаш (умумлаштирилган мезон бўйича) мутахассис (эксперт) томонидан амалга оширилади.

7. Танланган мезонлар бўйича алоқа тармоғининг ишлаш самарадорлигини баҳолаш учун имитацион моделлар ва алоҳида модулар кўринишида ташкил этилган умумлаштирилган мезонни ҳисоблаш дастурини шунингдек, алоқа тармоғини бошқарувини баҳолаш бўйича бошқарувчи дастурни ўз ичига олган дастурий мажмуа ишлаб чиқилган. Дастурий мажмуада олинган натижалар синов-конструкторлик ишларини бажаришда лойиҳалаш вақтини 20-30% фоизга қисқартиришга ва алоқа тармоғини бошқариш тизимларини рационал тузилмасини асослашга ҳамда унинг ишлаш ишончилигини 10-20% фоизга оширишга имкон беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-  
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**МИРЗАЕВА МАЛИКА БАХАДИРОВНА**

**МОДЕЛИ И АЛГОРИТМЫ ПРИНЯТИЯ РЕШЕНИЙ В УПРАВЛЕНИИ  
МНОГОУРОВНЕВОЙ ИЕРАРХИЧЕСКОЙ СЕТЬЮ СВЯЗИ**

05.01.02 –Системный анализ, управление и обработка информации

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент–2021**



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире большое внимание уделяется вопросам оценки и обеспечения эффективности функционирования сетей и систем связи. Повышения эффективности их функционирования является одним из важных факторов, способствующих решению программы ускорения социально – экономического развития страны. В настоящее время не вызывает сомнения, что нормальное функционирование информационных сетей невозможно без эффективного управления ими. В первую очередь это относится к коммутируемым сетям связи, к числу которых относится исследуемая многоуровневая иерархическая сеть связи, предназначенная для управления подвижными объектами, рассредоточенными на больших расстояниях. В развитых странах мира, в частности в США, странах Европейского Союза, Японии, Южной Кореи, Китае, Российской Федерации проводятся исследования, направленные на повышение эффективности работы существующих сетей и эффективное управление ими.

На практике очень сложно осуществить первоначальную оценку качества различных типов линий связи. Настоящее время в мире, проводятся исследования по разработке методов, моделей и алгоритмов для оценки производительности таких сетей. В то же время создание моделей и алгоритмов принятия решений является одной из важных задач в управлении многоуровневой иерархической сетью связи.

В рамках государственных программ принимаются меры по повышению надежности телекоммуникационных сетей, качественному развитию местного рынка программного обеспечения в Республике Узбекистан. В стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, в частности, «дальнейшее развитие информационно-коммуникационных технологий, внедрение информационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления»<sup>2</sup>.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5349 от 19 февраля 2018 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 29 августа 2017 года №ПП-3245 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий» и Кабинета Министров от 7 марта 2018 года №185 «О мерах по дальнейшему улучшению качества услуг связи, информатизации и телекоммуникаций» а также в других нормативно-правовых документах, связанных с этой деятельностью.

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

**Степень изученности проблемы.** Рассмотренные в диссертации проблемы изучались зарубежными учеными как G.Carello, R.Matera, M.Piyo, D.Medhi, M.Minoux, Г.П.Захаров, А.А.Амосов, В.В.Лохмотко, Н.Н.Мошак, Г.Г.Яновский, В.А.Богатырев, А.Е.Кучерявый, Г.П.Башарин, А.И.Пармонов, Ю.П.Зайченко, Л.Клейнрок, В.Г.Лазерев, С.И.Самойленко, В.А.Нетес и другие.

